# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XIII ялпи мажлиси олдидан

**_Навоий вилояти Кенгашида маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссияси ташкил этилган. Унинг таркибига иқтисодчи ва ҳуқуқшунослардан иборат 7 нафар депутат киритилган._**

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Доимий комиссия йиғилишларида вилоят маҳаллий бюджетини шакллантириш, бюджет даромадларини янада кўпайтиришга доир муаммоларни ўрганиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағларнинг ижтимоий адолат, ошкоралик тамойилларига риоя қилинган ҳолда сарфланишини амалга ошириш, ишчи-хизматчиларга ойлик маошлари, пенсионерларга пенсияларни вақтида тўлаб бориш, ҳудудда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини ошириш каби масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Сессияда кўриладиган масалаларни тайёрлашда доимий комиссия аъзолари, корхона ва ташкилотлардан таклиф қилинган малакали мутахассислар иштирок этадилар. Тайёрланган материаллар умумлаштирилиб, комиссия муҳокамасига киритилади. Йиғилишда доимий комиссия аъзолари, молия идо-

### Доимий комиссияларда

ралари ҳамда масалага дахлдор корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этади.

Доимий комиссиянинг сўнгги йиғилишида «Вилоят маҳаллий бюджетининг 2007 йилги ижроси ва 2008 йилги прогноз кўрсаткичлари» масаласи кўриб чиқилди. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметри тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги қарорининг 26-бандига асосан, 2007 йилнинг январидан бошлаб, республика ва маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи муассасаларнинг товар (хизматлар) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалари ғазначилик ташкилотидан мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг харажатлари устидан назорат ўрнатилганди. Натижада, вилоят ҳудудида жойлашган республика ва маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредиторлик қарзлари кескин камайди.

Ғазначилик ташкилоти томонидан 2007 йил давомида смета харажатларидан ортиқча суммага тузилган 132 та, умумий миқдори 2,2 миллиард сўмлик мақсадсиз харажатларнинг олди олинди.

Айрим бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини турли фирмалардан қиммат нархларда харид қилаётгани ҳисобга олиниб, вилоят ҳокими сессия қарор лойиҳасига шу маҳсулотларни сотиб олиш учун махсус фондлар ажратиш таклифини киритди. Бюджет ташкилоти раҳбарларига эса сметада белгиланган маблағдан ҳар томонлама фойдаланиш вазифаси юклатилди.

Ҳозир вилоятдаги бир нечта туманлар бюджетдан берилаётган дотация ҳисобидан фаолият кўрсатмоқда. Уларга қисқа муддатда босқичма-босқич маҳаллий бюджетга тушадиган даромадларни кўпайтириш, янги даромад манбалари излаб топиш эвазига дотациядан воз кечиш дастурлари ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Вилоят Кенгашининг 9-сессиясида доимий комиссия томонидан «2006 йилги пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш корхоналари томонидан контрактация шартномаси шартлари бажарилиши борасида»ги «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Н. Ҳамроевга депутат сўрови билан мурожаат қилинди. Ушбу масала сессияда кўрилиб, унинг ахбороти эшитилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳозирда маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари депутатлар билан семинар ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Ушбу учрашувларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, улардан қонун ижроси мониторингини юритишда самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Абдуазиз РАЗЗОҚОВ,**
**Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссияси раиси.**

## ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ

### жамиятнинг бебаҳо бойлиги

**_Халқ саломатлиги, айниқса, она ва бола муҳофазаси истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Жумладан, оналар соғлиғини назорат қилиш учун скрининг марказлари ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, бола туғилганда, уни парвариш қилишда, эмлашда давлат томонидан беғараз ёрдам бериш, шунингдек, болаларга барча тиббий хизматларни бепул кўрсатиш, болаликдан ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалардан иборат бўлган ижтимоий ночор қатламнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши мамлакатимиз қонун ҳужжатларида ўз аксини топган._**

Айниқса, "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Дастур ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар иштирокида мамлакатимизнинг барча вилоятларида аёллар ва болалар мунтазам профилактик тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Қолаверса, «Соғлом оилалар» шиори остида никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасидаги ишлар ҳам катта натижа бераяпти. Айни шу дастур ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши оилада тиббий маданиятнинг ошиши ҳамда соғлом оилаларни барпо этишда янги ютуқ ва марралар сари йўл очди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилда 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага тушди ва бултурнинг ўзида 11 фоизга камайди.

Оналар ўлими ҳам кескин камайишига эришилди. Хусусан, 1991 йилда ҳар минг нафар онага 65 та ўлим ҳолати кузатилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 24 нафаргача қисқарди. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижаси эканлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Андижон вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга катта эътибор берилаётир. Жумладан, вилоятдаги туғруққа ёрдам кўрсатиш муассасаларида перинатал технологиялар жорий этилиб, ҳомиладор ва туғувчи аёлларга шошилинч акушерлик ёрдами ташкил этилди. Чақалоқларни эрта кўкракка бериш, она ва гўдакларнинг куну тун бирга бўлиши таъминланди.

Шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, шошилинч акушерлик ёрдами, бехатар оналик, она сути билан боқишни кенгайтириш, болаларни иммунизациялаш, ўткир респиратор инфекциялар ва диарея касалликларининг олдини олишга қаратилган қатор дастурларнинг амалга оширилиши натижасида гўдаклар ўлими кескин камайди. Бу ҳолат оналар орасида ҳар 100 минг туғилган болага нисбатан 22,6 тагача туширилди.

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик жамғармаси — UNFPA билан ҳамкорликда оналик ва болалик хизмати соҳасининг моддий базасини яхшилаш бўйича 2005 йилдан буён кенг кўламли ишлар олиб бораётир. Жумладан, 2007 йил давомида 320 та қишлоқ врачлик пунктидаги доялар хоналари 160 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Умуман, тиббиёт соҳасига жиддий эътибор қаратилаётгани боис аҳоли орасида турли касалликлар кўпайишининг олди олинмоқда. Чунончи, 2001 йилдан мамлакатимизда чақалоқларни В гепатитига қарши эмлашнинг жорий этилиши самараси ўлароқ, болаларнинг мазкур касалликка чалиниши 30 баробарга камайди. Бу албатта, тиббиётимиз учун муҳим ютуқ.

Бундай ютуқлар, натижаларга бежиз эришилмаяпти. Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт соҳаси учун мунтазам эътибор қаратиб келаётгани, соҳани ривожлантиришга доир фармону қарорлари айни шу ютуқларнинг гаровидир, десак тўғри бўлади. Биргина, Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"-ги Фармони соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини, соғлом авлод шаклланишини таъминлаш борасидаги дастурий вазифаларни белгилаб берди. Шу асосда ҳукуматимиз қарори ҳам қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, республика даражасида илмий-амалий марказлар, ҳар бир вилоятда кўп тармоқли тиббиёт маркази, тиббий диагностика марказлари ташкил этиш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари 2007 йилдан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилганини қайд этди. Дарҳақиқат, олдимизда тиббиёт соҳасини янги босқичга кўтаришдек муҳим юмушлар турибди. Зотан, мана шу босқичда амалга ошириладиган ишларимиз замирида одамларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, халқимизнинг ҳаёт тарзини юксалтириш ва умр кўриш даражасини оширишдек масъулиятли вазифалар ётади.

**Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Андижон давлат тиббиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## БУНЁДКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, САХОВАТПЕШАЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Обиджон Қўчқоров. — Эътироф этиш керак, маҳалла аҳлининг ҳашарга чиққани юмушимизни осонлаштирди. Чунки улар 52 нафар қурувчимизнинг ёнига кириб, қурилиш майдонини тартибга келтиришда яқиндан ёрдам бердилар.

### САМАРҚАНД

— Умумхалқ ҳашарида 1,5 миллионга яқин киши иштирок этди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Шавкат Жониқулов. — Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли 1 миллион 700 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Айниқса, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ариқларни тозалаш, маиший чиқиндиларни чиқариш борасида ёшлар фаоллик кўрсатганликларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳашар нафақат шаҳар ва қишлоқларга файзу тароват бахш этди, балки одамлар қалбига қувончу шодлик ҳам олиб кирди. Масалан, Нуробод туманининг Жом қишлоғида унинг иккинчи куни Наврўз тантаналарига уланиб кетди. Ҳомийлар саховати билан 34 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига суннат тўйи ташкил этилиб, уларнинг ҳар бири шахсий ҳисобварағига муайян миқдорда маблағ ўтказилди.

### СИРДАРЁ

Сирдарёликлар умумхалқ хайрия ҳашарини зўр уюшқоқлик билан ишчан кайфиятда ўтказишди. Ўша кунлари 527 минг нафар ёшу қари шаҳару қишлоқлардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Натижада 1207 гектар ерга кўчатлар ўтқазилди. 1683 чақиримдаги лотоклар тозаланди, 793,6 минг туп манзарали, 189 минг туп мевали дарахт ва 113 минг туп гул кўчати экилди. Пировардида, вилоят бўйича жами 303 миллион сўмлик иш бажарилди.

### СУРХОНДАРЁ

— Анъанавий Наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашарида 1 миллиондан зиёд киши иштирок этди, — дейди республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи Эркин Кўчкинов. — Улар томонидан 12 минг гектар ерда ободонлаштириш юмушлари бажарилиб, бир миллион туп ниҳол ўтқазилди. Мавжуд 691 та маҳалла ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кам



А. АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 16 минг квадрат метрлик уй-жойлари таъмирдан чиқарилди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Умумхалқ хайрия ҳашарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар, таълим ва даволаш муассасаларида ишлаётган 1,6 миллион нафардан ортиқ киши фаол қатнашди. Улар томонидан 4505 гектар майдон ободонлаштирилиб, 3928 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Шаҳар ва қишлоқларда 320 минг тупга яқин гул кўчати, 734975 туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоли ўтқазилди. Кам таъминланган оилалардан 5355 тасига эса салкам 47,3 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Бундан ташқари, ҳашар муносабати билан турли жамоалар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақлари ихтиёрий равишда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу маблағлар аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларига сарфланади.

### ҚАШҚАДАРЁ

Умумхалқ хайрия ҳашарида қашқадарёликлар ҳам бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат фазилатларини намоён қилдилар. Хусусан, республика "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, бу тадбирда иштирок этганлар сони 1 миллион 87 минг нафардан ошди. Уларнинг 653 минг нафари ёшлар эди. Ҳашарчиларнинг кучи билан 750 километрлик ариқ ва лотоклар тозаланди, 789 та муқаддас қадамжо ободонлаштирилди. Кўча бўйлари ва боғларга 1 миллион 799 туп манзарали, 249 минг туп мевали дарахт ва 614 минг туп гул кўчати экилди. 1 миллион 419 минг туп дарахтга шакл берилиб, оқланди. Ҳомийлар томонидан эса 3886 та эҳтиёжманд оилага 72 миллион 400 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

### ФАРҒОНА

Наврўзи айём арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида Фарғона туманидаги мактабларнинг 1000 нафардан зиёд ўқитувчи ва ўқувчилари тоғлар бағридаги Шоҳимардонсойга отланишди. Бу ерда улар 9 гектар майдонда "Ёшлар боғи"га пойдевор қўйишди. Яъни, оромгоҳ ўрнида 1500 туп мевали, 500 туп каштан, япон софораси сингари манзарали дарахтлар, 1000 тупдан зиёд гул кўчати ўтқазилди.

Тошлоқ туманида эса умумхалқ хайрия ҳашари кунларида 3 та янги савдо мажмуаси харидорларга ўз эшикларини очди.

### ХОРАЗМ

Умумхалқ тадбирида ёшлар ҳаммадан кўпроқ фаоллик кўрсатишди. 25 минг нафар устоз бошчилигида 305 минг нафардан ортиқ ўқувчилар 941 та таълим муассасасида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда ўтган умумхалқ ҳашарида жами 752 минг нафардан ортиқ киши иштирок этиб, 2 минг 600 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 650 км. узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, 21 минг квадрат метр саҳндаги уй-жой таъмирланди, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга 5 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## «Ташаббус — 2008»

### Вилоят ғолиблари аниқланди

Республика Президенти совринини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида Фориш туманидаги «FOR-TEX» хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраева «Энг яхши тадбиркор», Зомин туманидаги «Дон — ризқ» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Қурбонов «Энг яхши фермер», зарбдорлик Мукаррам Қодирова эса «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича ғолиб бўлишди.

Энди улар «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тайвандаги референдум тўғрисида

2008 йил 1 февралда Тайвань маъмурияти 2008 йилнинг 22 мартида «Тайвань» номи билан БМТга аъзо бўлиб кириш ҳақида референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Референдум ўтказилиши Тайваннинг халқаро мақомини ҳеч қандай тарзда ўзгартирмаслиги мутлақо шубҳасиздир. Унинг ўтказилиши фақат Тайвань қўлтиғидаги тангликнинг жиддий кучайишига олиб келиши ва Осиё минтақасида барқарорликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «ягона Хитой» сиёсатига ўз тарафдорлигини яна бир бор тасдиқлаб, Тайвань мустақиллигига қарши эканини билдиради ва уни БМТга аъзо бўлиб кириш масаласида референдум ўтказиш режасидан воз кечишга чақиради.

**«Жаҳон» АА.**

* * *

## Тайвань маъмуриятининг БМТга аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги референдуми муносабати билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг баёноти

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Тайвань маъмуриятининг 2008 йил 22 мартда референдум ўтказиш орқали Тайваннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши борасидаги хатти-ҳаракатларига қарши эканини маълум қилади.

Мазкур қадам БМТ Низомининг тегишли бандларига зид бўлиб, Тайвань қўлтиғидаги вазиятни кескинлаштириб юбориши, минтақадаги барқарорликни, миллионлаб инсонлар тинчлиги ва хавфсизлигини таҳдид остида қолдириши мумкин.

Тайвань Хитойнинг ажралмас бўлаги эканлигини тасдиқлаб, ШҲТга аъзо давлатлар Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Тайвань масаласидаги нуқтаи назарини доимо қўллаб-қувватлайди, «Тайван мустақиллиги»нинг ҳар қандай кўринишига қатъий қарши эканини билдиради ҳамда унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш борасидаги уринишларини самарасиз ва хавфли, деб ҳисоблайди.

**Пекин шаҳри,**
**2008 йил 17 март.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 18 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва божхона ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1210,21 | 1 Польша злотийси | 566,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2624,04 | 1 СДР | 2116,89 |
| 1 Дания кронаси | 269,41 | 1 Туркия лираси | 1052,30 |
| 1 БАА дирҳами | 353,95 | 1 Швейцария франки | 1276,25 |
| 1 АҚШ доллари | 1299,48 | 1 ЕВРО | 2008,09 |
| 1 Миср фунти | 238,21 | 10 Жанубий Корея вони | 13,33 |
| 1 Исландия кронаси | 18,92 | 10 Япония иенаси | 127,95 |
| 1 Канада доллари | 1314,07 | 1 Россия рубли | 54,57 |
| 1 Хитой юани | 183,01 | 1 Украина гривнаси | 257,32 |
| 1 Малайзия ринггити | 408,46 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ТАРБИЯДА ТАРҒИБОТ МУҲИМ

**_Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ёшлар тарбияси, маънавияти ҳақида гапириб, "Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди", дея алоҳида таъкидладилар._**

Зеро, ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад, эртанги кунни бугунгидан-да фаровон кўриш экан, бунинг учун келажак ворисларининг дунёқараши, таълим-тарбиясига бефарқ қараш мумкин эмас. Шу маънода, Президентимизнинг 2006 йил 26 августда эълон қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги вазифаларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Айтиш керакки, мазкур ҳужжат маънавият тизимидаги фаолиятни тубдан ўзгартирди. Хусусан, Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига аниқ мақсад ва вазифалар юклатилди. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда етук тажрибаси, янгича иш услублари орқали намуна бўлаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловини мунтазам ўтказиб боришга қарор қилинди. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз — илк маротаба ўтказилган мазкур танлов ғолиби — Янгийўл технология касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Солижон Бойматов.

— Инсон камолоти, унинг шахс сифатида шаклланишида маънавий қудрат муҳим аҳамиятга эга, — дейди С. Бойматов. — Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аждодлардан мерос қадриятларимизни тиклашга, урф-одатларимизни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Аҳамият беринг, яқинда олимлар антиқа тадқиқот таҳлилларини эълон қилдилар. Унга кўра, тарихда жаҳон миқёсида 1000 нафар аллома ўтган бўлса, шундан 500 таси Шарқ халқлари, айнан 200 нафари эса бизнинг Ватанимизда камол топган экан. Бу — жуда катта маънавий куч. Ана шундай бебаҳо меросга эга халқнинг Шўролар даврида камситилиши эса зилол сувни лойқалатиш билан баробар эди. Хўш, бунинг оқибати нима бўлди? Шу бўлдики, фарзандларимизга тарих сохталаштирилиб ўргатилди, уларнинг онгу шуурига мутлақо ёт ғояларни сингдиришга ҳаракат қилинди... Мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли бундай адолатсизликларга бутунлай барҳам берилди. Маънавиятга, тарбияга, таъ-

### Маънавият

лимга эътибор ҳукумат миқёсидаги вазифага айланди.

— **Солижон ака, Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорида жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқишга алоҳида урғу берилган. Сизнинг иш тажрибангизда бу ҳолат қандай намоён бўлаяпти?**

— Мен ёшлар билан ишлайман. Уларга дарс бераман. Лекин ҳар гал аудиторияга киришдан аввал: "Мен бугун айтадиган гапимга, бераётган сабоғимга муносибманми?" деб ўйлайман. Чунки тарбия берувчининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Сўз билан иш уйғунлиги тарбияда ниҳоятда муҳим мезон саналади. Шахсий намуна бўлмаса, айтилган гап отилган ўққа айланмайди. Шу маънода, мен ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетнинг ҳосил бўлиши учун МУЛОҚОТ усулидан кўпроқ фойдаланаман. Умуман, ёшларга баландпарвоз гапларни айтишнинг кераги йўқ. Ҳамма нарсани борича гапириш ва исботлаш лозим. Мисол учун, яқинда коллежимиз ўқувчиларидан бир гуруҳининг пойтахтимизда янгитдан бунёд этилган иншоотларга саёҳатини уюштирдик. Саёҳат мобайнида уларнинг кўзидаги ҳайрат мени ҳаяжонга солди. Айниқса, Ҳазрати Имом мажмуасида бўлганимизда, Улуғбек исмли ўқувчимиз: "Шундай муҳташам бинонинг бунёдкорларига қойил", деганида бошқа болалар ҳам унинг гапини баралла қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ҳайратланиши, ғурурланиши, фахрланиши ҳам, аслида, маънавият жилоларидир. Ўшанда шундай хулосага келдимки, ёшларимиз онгини қуруқ гап-сўз эмас, балки жонли мулоқот, тарихий жойларга тез-тез саёҳат, кино ёки спектакль томошаси орқали ўстиришга кўпроқ аҳамият бериш керак.

— **Тўғри, аммо театр ёки кино саройида, турли тадбирларда айрим ўқувчи ёшларнинг бефарқ ўтириши, шовқин солиши ҳам бор гап. Буни кўриб, улар томошага мажбуран келмаганмикан, деб ўйлаб қоласан, киши...**

— Сиз айтаётган ҳолатда ёшларни айблаш нотўғри. Агарки, фарзанд тарбиясида қусур бор экан, бунга айбдор, аввало, унинг ота-онаси, ўқитувчиси, маҳалла фаолларидир. Айтмоқчиманки, спектакль ёки бошқа тадбирларда ўзини номуносиб тутган ёшлар ҳам сизу бизнинг, қариндошимизнинг, маҳалладошимизнинг жигарбанди. Болаларнинг бегонаси бўлмаганидек, уларнинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам бизники.

Хўш, бундай камчиликни қандай бартараф этиш мумкин? Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бежиз айтилмаган. Илгари ота-боболаримиз бирор оиладаги келишмовчиликдан воқиф бўлсалар, тезда уни бартараф этишга киришишган. Нафақат ўша оила шаънини, балки маҳалла-кўй обрўсини ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилишган. Шу йўл билан ёш оилаларга, ўсиб келаётган авлодга ўрнак кўрсатишган. Ана шундай тарбиянинг ноёб анъаналарини ўрганиб, тадқиқ ва татбиқ этиб борсак, ҳар томонлама ютган бўламиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Иккинчи босқич бўлиб ўтди

***Якшанба куни Францияда маҳаллий кенгашларга сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.***



"Франс-пресс" ахборот агентлиги Социалистик партия вакиллари — 48,7 фоиз, амалдаги президент Николя Саркозининг «Халқ ҳаракати кенгаши» (UMP) — 47,6 фоиз овоз тўплаганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Эслатиб ўтамиз, 9 ва 16 мартда ўтказилган тадбирда францияликлар мамлакат бўйлаб 36 мингдан зиёд мэр ва маҳаллий кенгаш маслаҳатчиларини сайладилар.

## Сайёҳлар огоҳлантирилди

***Хитой ҳукумати Тибетда рўй бераётган тартибсизликлар туфайли сайёҳлар бу ҳудудни тарк этиши лозимлигини маълум қилди.***



"Синьхуа" агентлиги хабарида айтилишича, хорижликларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шундай қарорга келинди.

Сўнгги маълумотларда айтилишича, тартибсизликлар оқибатида 80 киши ҳалок бўлди, яна 72 нафари тан жароҳати олди.

## Гумон қилинмоқда

***Ирландияда Буюк Британиянинг "Би-би-си" корпорациясида фаолият юритувчи 11 нафар журналист ҳибсга олинди. Бу ҳақда "BBC News" сайти хабар тарқатди.***



Улар полиция томонидан жиноий ишга аралашганликда гумон қилинмоқда. Корпорация раҳбарияти эса ўз ходимлари Ирландияда қонун доирасида суриштирув ишлари олиб борганлигини билдирди.

Гумондорлар айби исботланмаса, мамлакат қонунларига биноан 72 соатдан кейин қўйиб юборилади.

## Энг қиммат уй сотилди

***Лондон марказида дунёдаги энг қиммат уй сотилди.***



1930 йилда қурилган уй 115 миллион фунт-стерлинг (232 миллион АҚШ доллари)га баҳоланди. Мазкур уй Бирлашган Қироллик бош вазири қароргоҳи билан рўпара-рўпара жойлашган.

Ҳозирча мазкур уйни сотиб олган шахснинг исми сир тутилаяпти.

## Ресторанда портлаш

**Исломобод марказидаги "Luna Caprese" ресторанида кучли портлаш амалга оширилди.**

**Портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлди, 12 киши яраланди.**

**"Си-эн-эн" телеканали берган хабарга кўра, портловчи қурилма ресторан деворига яшириб қўйилган экан.**

## 67 йилдан сўнг...

***Австралияда бундан 67 йил аввал чўкиб кетган "Сидней" номли кема топилди.***



Бу ҳақда Австралия бош вазири Кевин Радд расман маълумот берди. Кема денгизда 2,5 км чуқурликда экан. Ўшанда кемадаги 645 нафар денгизчининг барчаси ҳалок бўлган.

Қутқарувчилар кеманинг ташқи қисми жиддий жароҳатланганини маълум қилди.

## Қоғозсиз ва қаламсиз дарслик

***"Майкрософт" корпорацияси асосчи Билл Гейтс компьютер технологияларининг келажаги ҳақида баёнот берди.***



Унда айтилишича, яқин келажакда компьютер тугмачалари ва сичқончага эҳтиёж қолмайди. Унинг ўрнини янги ва қулай қурилмалар эгаллайди.

Шунингдек, миллиардер мактаб ўқувчиларининг ўқув қўлланмалар тутмаётганини афсусланиб гапирди. Шу боис, эндиликда китоблар ўрнига ультрапортатив компьютерлар яратилиши мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.**
**2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.**

355Н/300


▼ Саховат

***Қибрай туманида "Саховат" деб номланган Наврўзолди хайрия тадбири ўтказилди.***

## Савобли амаллар

Унга "Тошкентпарранда", "Шарқ" ва Ш.Рашидов номли акциядорлик жамиятлари ҳомийлик қилиб, кам таъминланган оилалар вакилларидан бир гуруҳига уй шароитида боқишлари учун паррандалар улашишди. Шу ҳудудда фаолият юритаётган саховатпеша тадбиркорлар эса ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлардан бўлган 167 миллион сўмлик, "Қибрайтумангаз" корхонаси ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўлими бир неча юзминг сўмлик қарзларини ўз ҳисобларидан қоплаб беришди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

**2008 йилнинг II чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, А. Икромов к., 27-уй. Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 25 март куни соат 17.00 гача.**

361Н/432



## «Фарғона кимёвий толалар заводи» давлат корхонаси

**Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 7 мартдаги 15-07/-01/17993-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилди.**

**Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 127-моддасига мувофиқ «Фарғона кимёвий толалар заводи» давлат корхонасига нисбатан даъво ва аризалар икки ой муддат ичида қабул қилинади.**

**Манзил: Фарғона шаҳри, Қиргули тумани, Кимёгарлар кўчаси, 3-«А» уй. Тел.: 222-37-22.**

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 7 мартдаги 15-07/-01/17993-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб биринчи тоифали суд бошқарувчиси Ортиқов Алимар Етмишевич тайинланган.

445Я/448




## O`ZSANOATQURILISHBANK

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши сизга 2008 йил 18 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК биносида банк акциядорларининг 2007 йил натижалари бўйича умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

### ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. *Банкнинг 2007 йилдаги иш якунлари тўғрисида банк кенгаши ва бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
2. *Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
3. *Банкнинг 2007 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини, 2007 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва банкнинг фойдасини тақсимлаш масаласи.*
4. *2008 йилга банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи энг юқори миқдорини белгилаш масаласи.*
5. *2007 йилги иш якунларига кўра, банк кенгаши аъзоларини ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш масаласи.*
6. *Банк кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи.*
7. *Банк тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи.*
8. *Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йилга узайтириш масаласи.*
9. *Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи.*
10. *Банкнинг янги таҳрирдаги «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Банк кенгаши тўғрисида», «Тафтиш комиссияси тўғрисида», «Банк бошқаруви тўғрисида»ги низомларини (регламент) тасдиқлаш масаласи.*

2008 йил 19 март ҳолатига ёпилган «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорларининг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган ишончнома, юридик шахс вакилларига ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан келишларини сўрайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. Тегишли ахборот (материаллар) бош банкдан ва банк филиалларидан олиниши мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 120-45-07, 120-36-06.**

***Банк кенгаши***

420Н/478

## АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



***Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг***

**237-01-11**

***рақамли***

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

***хизматига қўнғироқ қилинг.***

**Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-уй.**
**E-mail: sanktsiya@gis.uz**



***Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:***

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 224-01-11 |
| 2. | Андижон вилояти | 224-01-11 |
| 3. | Бухоро вилояти | 223-01-11 |
| 4. | Жиззах вилояти | 226-01-11 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 221-01-11 |
| 6. | Навоий вилояти | 224-01-11 |
| 7. | Наманган вилояти | 226-01-11 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 222-01-11 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 40-01-11 |
| 10. | Сурхондарё вилояти | 227-01-11 |
| 11. | Хоразм вилояти | 226-01-11 |
| 12. | Фарғона вилояти | 223-01-11 |
| 13. | Тошкент вилояти | 235-01-11 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 236-01-11 |


## Телефон аппаратлари улгуржи савдоси



1 йил кафолат
Кенг моделлар қатори
- **Корхоналар билан ишлаймиз**
- **Дилерларни ҳамкорликка таклиф қиламиз**

**Телефонлар: 8 (371) 234-25-97, 150-02-21, +998 (90) 370-18-30.**
**e-mail: mirada_tashkent@mail.ru**
маҳсулот сертификатланган



## «Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ ҚК DKG

**Кенг ассортиментда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар**

**Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.**

**Чегирмалар тизими мавжуд**

**Батафсил маълумот олиш учун сайтимиз: www.dkg-ag.de**



Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй.
Тел./факс: (+ 998 71) 150-21-25
248-36-30, 248-81-89,
248-81-91, 248-20-63.
Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06.
E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

- пўлат сим
- пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялар учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилимлар (шины)
- арматура
- михлар

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

5309-5

**Кабель маҳсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта ғалтаклар (барабаны)ни сотиб оламиз.**

**Буюртма бўйича тайёрлаймиз.**



## КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:**

WWW.PGS.UZ

- **электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);**
- **электр калорифер-иситгичлар (маиший, қуввати — 1, 8 кВт);**



- **мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);**
- **электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;**
- **кабоб пиширадиган электр кўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший), қуввати — 1,7-6 кВт;**
- **сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.**



**Буюртмаларни қуйидаги манзилларга: Тошкент ш., Гавҳар к., 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки 279-38-54 тел./факси орқали юбориш мумкин.**

**2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қиладилар.**

**Маҳсулот сертификатланган.**

**Жиҳозлар Давлат ёнғинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.**

120Я/157

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



*Бир неча йилдан буён Самарқанд шаҳрида Алибек полвон Примов хотирасига бағишланган кураш турнири ўтказиб келинади. Жорий йилдан бошлаб мусобақага халқаро мақом берилди ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тақвим режасига киритилди.*

## Самарқандда кураш мусобақаси

15-16 март кунлари Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш маркази Алибек полвон Примов хотирасига бағишланган анъанавий IV халқаро турнирга мезбонлик қилди.

Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган жами 300 нафарга яқин полвонлар етти вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ёш курашчиларнинг халқаро спорт майдонларига чиқишида ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда, — дейди Самарқанд вилояти кураш терма жамоаси бош мураббийси Иброҳим Каримов. — Мусобақанинг дастлабкиларида тажриба орттирган Элёр Шерназаров, Элибой Ибрагимов, Икром Нуруллаев ва бошқа кўплаб шогирдларимиз бугунги кунда халқаро мусобақаларда ҳам совриндорлар сафидан жой олишмоқда.

Икки кун давом этган муросасиз беллашувлар якунида самарқандлик Шавкат Эсонов (60 кг.), Сухроб Худойбердиев (66 кг.), Икром Нуруллаев (100 кг.), тошкентлик Шуҳрат Арслонов (73 кг.), Шерали Жўраев (90 кг.), Акбар Йўлдошев (+100 кг.) ва қашқадарёлик Элмурод Соатов (81 кг.) халқаро турнир ғолиблигини қўлга киритдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Биатлончилар баҳси

***Хоразмда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.***

Куни кеча Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Шовот тумани кенгаши базасида ёзги биатлон бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Шахсий биринчиликда Шовот тумани вакили Жамол Аҳмедов шоҳсупадан жой олди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Ҳазорасп тумани автомобиль мактаби спортчиларига насиб этди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги Чилонзор тиббиёт коллежида республика Маънавият тарғибот маркази томонидан "Вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари" мавзуида тадбир ўтказилди.*

## ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

Тадбир

Унда ёшлар тарбияси ва камолоти йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Шунингдек, ёш авлодни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашда ҳуқуқий саводхонликни ошириб бориш доимий эътибордаги вазифа экани таъкидланди.

Тадбирда Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ёшлар йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Мазкур дастур ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат экани айтиб ўтилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

*Наманган шаҳридаги Конституция майдонидан йўлга чиққан велосипедчилар ўз марафонларини Наврўз байрами ва Ёшлар йилига бағишлашди. Унда 50 нафарга яқин спортчи иштирок этди.*

## Байрамолди веломарафони

Марафончилар Уйчи, Наманган, Норин туманлари бўйлаб 60 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиш жараёнида йўлдаги қишлоқлар аҳли билан учрашувлар ўтказишди.

— Спорт — эзгулик элчиси. Кўп бор халқаро мусобақаларда қатнашиб, турли халқларнинг урф-одат, анъаналари билан танишдим. Бироқ, юртимизда шаклланган қадриятларнинг ўрни бошқача. Одамларимиздаги меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатларининг ўзи бир дунё. Бугунги марафон чоғидаги учрашувларда буни яна бир карра дилдан ҳис этдим, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Николай Қозоқбоев.

Веломарафончилар тантанали кутиб олинган Ҳаққулобод шаҳрида Наврўз айёми олдидан катта маданий тадбир ташкил этилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ХК МЧЖ «Belting Rezina»

полимер материаллар асосида Европа технологияси бўйича турли хил ўлчамдаги

ТРАНСПОРТЁР ЛЕНТАЛАРИ ВА ЯССИ ТАСМА (ПЛОСКИЙ РЕМЕНЬ)ЛАР

ишлаб чиқаради ва уларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.





Мазкур маҳсулотимиз пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат, қоғоз-картон, тўқимачилик саноатида ва босмахоналарда кенг қўлланилади.





Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100039, Тошкент ш., О. Зокиров к., 1-уй.
Телефон: 212-40-24. Факс: 212-27-95. E-mail: Belting@sarkor.uz www.beltingrezina.com

ТАЛАБАЛАР ВА РОССИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН РОССИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МАҚБУЛ ТАРИФЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МОСКВА 364 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

С-ПЕТЕРБУРГ 295 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

ТАРИФЛАР ТАКСА ВА ЙИҒИМЛАР ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН ҲОЛДА КЎРСАТИЛГАН, ЖОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.

Аккредитация сертификати № 210.

КОРПОРАЦИЯ

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ





NEW!

Янги хизмат режалари

| Планлар | Абонент тўлови ойига., $ | Имтиёзли дақиқалар, ойига | Чиқувчи (ўрнатилган лимитдан ташқари) | | | | Кирувчи (ўрнатилган лимитдан ташқари) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Корпоратив гуруҳ ичида | Тармоқ ичида | Мобиль телефонларга | Ўзбекистон бўйича | Ўзбекистон бўйича | Ўзбекистон операторларининг барча мобиль телефонларидан |
| «КОРПОРАЦИЯ АСОСИЙ» | 1,5 | 0 | БЕПУЛ | 0,02 | 0,03 | 0,04 | 0,04 | БЕПУЛ |
| «КОРПОРАЦИЯ 500» | 10 | 500 | | 0,02 | 0,03 | 0,04 | 0,04 | |
| «КОРПОРАЦИЯ 1000» | 20 | 1000 | | 0,02 | 0,02 | 0,03 | 0,03 | |
| «КОРПОРАЦИЯ 2500» | 45 | 2500 | | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | |
| «КОРПОРАЦИЯ 5000» | 70 | 5000 | | 0,02 | 0,02 | 0,02 | 0,02 | |

Эслатма:
Тармоқ ичидаги бепул кирувчи қўнғироқлар абонент тўловига киритилган имтиёзли дақиқаларга кирмайди.
Таклиф МТС тармоғида 3 та ва ундан ортиқ актив рақамларга эга юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар учун амалда бўлади.
Корпоратив режаларга уланиш фақат компания офисларида.

Батафсил маълумотлар:
0990 моб. тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган.

МТС

CHEMPION

TARIF REJASI

2 : 0

SENT O`ZBEKISTON BO`YICHA BARCHA QO`NG`IROQLAR SO`ZLASHUVNING BIRINCHI DAQIQASIDAN BOSHLAB

ABONENT TO`LOVI

COSCOM

Uyali aloqa uchun xarajatlarni hisoblashdan charchadingizmi?
Kalkulyator eng zarur narsaga aylanib qoldimi?
Tarif rejalarining ko'plab shartlari sizni adashtirib yubordimi?
Biz sizga juda ham oddiy tarifni taklif etamiz.
Hech qanday abonent to'lovi yo'q, so'zlashuvning bir daqiqasi esa endi haqiqatan ham 2 sent.
Va albatta, COSCOM abonentlaridan kirish qo'ng'iroqlari BEPUL!

Batafsil ma'lumotlar sotuv joylarida yoki www.coscom.uz saytida. Narxlar QQS bilan ko'rsatilgan.

To'lov O'zRMB tomonidan belgilangan to'lov kunidagi kurs bo'yicha so'mda amalga oshiriladi. Xizmatlar litsenziyaga ega (Litsenziya AA № 0002348, O'zAAA tomonidan berilgan)



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6 8